O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 11 (9.355) 2000 йил 26 январь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

## МДҲ: МОСКВА УЧРАШУВИ

**24 январь Москва. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.)** 24 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Москвага келди.

Бугун саммит олдидан Кремлда МДҲга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Вазирлар МДҲ саммити кун тартибини муҳокама қилди. Асосий диққат-эътибор МДҲ фаолиятини такомиллаштириш ва Ҳамдўстлик органларини ислоҳ қилишга қаратилди. Саммит кун тартибига иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, эркин савдо зонаси барпо этиш ҳақидаги шартноманинг ратификацияси, хавфсизликка оид масалалар киритиладиган бўлди.

Кечқурун Горки-9 қароргоҳида МДҲга аъзо мамлакатлар президентларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Ҳамдўстлик доирасидаги интеграция жараёнларига тўсиқ бўлаётган муаммолар, мамлакатлараро савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, хавфсизлик ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Эртага МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарлари кенгашининг ёпиқ мажлиси бўлади. Шунингдек, кенгашнинг ялпи мажлисини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

**МОСКВА. 25 январь (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).**

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов эрталаб Россия Федерацияси Президенти вазифасини бажарувчи Владимир Путин билан учрашди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек, МДҲни ислоҳ қилиш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

Шундан сўнг Кремлда МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарларининг ёпиқ мажлиси бўлиб ўтди. Унда РФ Президенти вазифасини бажарувчи В. Путин МДҲ давлат бошлиқлари Кенгаши раиси этиб сайланди.

Сўнгра президентлар иштирокида кенгайтирилган мажлис бўлди.

Шу куни МДҲга аъзо мамлакатлар ҳукумат раҳбарларининг мажлиси ҳам бўлди. Унда Украина Бош вазири В. Юшенко МДҲ мамлакатлари ҳукумат бошлиқлари Кенгаши раиси этиб сайланди.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйидаги қўмиталари ва комиссиялари ташкил этилсин:

Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси;

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси;

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси;

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси;

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси;

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси;

Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси;

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси;

Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси;

Матбуот ва ахборот қўмитаси;

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси;

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси;

Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси;

Оила ва аёллар муаммолари комиссияси;

Ёшлар ишлари комиссияси;

Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри, 2000 йил 22 январь.



*Тошкентлик қўли гул қурувчилар.*

*Муносабат*

## ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

***Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг яқиндагина бўлиб ўтган биринчи сессиясида Президентимизнинг маърузаси юзасидан ҳамшаҳарларимиз томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар ва таҳририятимизга оқшомхонлардан келаётган хат-хабарларда келажагимиз фаолият мезони белгиланганлиги таъкидланади.***

● **Абдуфаттоҳ АБДУЛЛАЕВ, олим:**

– Президентимиз маърузасини радио ва телевидение орқали ҳаяжон билан тингладим, газета саҳифаларидан ўқиб, ўрганиб чиқдим. Мен бу ўринда ўрганиш сўзига алоҳида урғу бераётганимнинг боиси бор. Чунки унда ҳамма касб эгалари, барча тоифадаги инсонлар учун ўқиб-ўрганишга лойиқ бўлган жиҳатлар жуда кўп. Энг асосийси маърузада мамлакатимиз тараққиётини таъминлашга қаратилган аниқ вазифалар ўртага ташланди, фаолиятимизнинг яқин келгусидаги бош мақсади ва мазмуни белгилаб олинди. Бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш бош мақсад қилиб қўйилди. Ва ҳар бир соҳада унга эришиш йўллари белгилаб берилди.

Мен узоқ йиллардан бери Тошкент Давлат аграр университетида мураббийлик қилиб келаман. Бу соҳада анчагина тажрибага эгаман. Ўз касбим нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, асосий эътиборни кадрлар ва маънавият масалаларига қаратмоқчиман. Зеро, Президентимиз ўз маърузаларида кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ҳамда маънавият масалаларига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Кадрлар танлашда адолат бўлса, албатта тартиб бўлади, деб жуда тўғри уқтирилди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишим лозимки, чуқур билимга, етарли малакага эга бўлган кадрларни тайёрлашда олий ўқув юртлари, биз профессор-ўқитувчилар биринчи навбатда масъулмиз. Шунингдек, миллий кадрларни танлаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, муқаддас динимизни маънавий ҳаётдаги ўрнини тиклаш каби эзгу ишларни изчил давом эттириш ва уларни янги босқичга кўтаришдаги масъулликлар ҳам кўпроқ биз зиёлиларнинг зиммасига тушишини яхши англаймиз. Пировард мақсад эса мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат.

## НУРЛИ ИСТИҚБОЛ ЙЎЛЛАРИ

***XXI аср бўсағасидаги сўнгги йил мамлакатимиз келажаги учун муҳим тарихий воқеалар билан бошланди. Халқимизда "Йилни қандай бошласанг — шундай якунлайсан", деган ҳикматли ибора бор. Йилимиз ғоят хайрли ишлар билан бошланди. Яъни, мустақил Ўзбекистонимизни, мамлакат халқини пурзиё йўллардан эркин ва фаровон ҳаёт сари қатъият ва сабот-матонат билан бошлаб бораётган Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовни яна қайта Президент этиб сайлаш шарафига муяссар бўлдик.***

Чуқур демократик асосларда, кўппартиявийлик шароитида сайланган республика Олий Мажлиси депутатлари, бутун халқимиз яқиндагина Президентимизнинг тантанали қасамёдларига шоҳид бўлдилар. Депутатлар ва "Ойнаи жаҳон"ни томоша қилган миллионлаб меҳнаткашлар иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи мажлисида қилинган ана шу тантанали қасамёддан кейин Юртбошимизнинг ғоят серқирра маърузаларини катта эътибор ва диққат билан тингладилар. Таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, хорижий матбуот ходимларининг якдил фикрларига кўра ушбу маъруза жонажон Ўзбекистонимизнинг, шу табаррук заминда истиқомат қилувчи кўпмиллатли халқимизнинг нурли, ёрқин келажагини белгилаб берувчи **БОШ ДАСТУР** — ҳаракатларимиз асоси бўлиб хизмат қилади.

Бўлиб ўтган воқеаларни чуқур таҳлил этган сари уларнинг халқ, Ватан тақдиридаги ҳал қилувчи аҳамияти, жамиятимизда демократик тамойиллар тантанаси йўлидаги салмоқли қадамлар моҳияти бор бўй-басти билан кўз ўнгимизда тобора равшанроқ намоён бўлаётганини теран тушунаётганимизни ҳис этамиз. Ҳақиқатан ҳам республика Олий Мажлисига ҳамда Президентликка бўлиб ўтган сайловларда биз ҳаммамиз яна бир бор ҳақиқий демократия шабадаларини тўла ҳис этдик. Мамлакат Олий қонун чиқарувчи ҳокимиятидан кўпроқ ўрин олиш учун турли сиёсий кучлар — сиёсий партиялар, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, мустақил номзодлар ўртасидаги курашлар қандай қизғин тус олганини 66 сайлов округида Олий Мажлис депутатлигига такрорий овоз беришга тўғри келганининг ўзиёқ кўрсатиб турибди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳам курашлар ана шундай қизғин ўтди.

Жумладан, пойтахтимизда ҳам депутатлик ўринларининг учдан бирдан кўпроғи такрорий овоз бериш йўли билан тўлдирилди...

Олий Мажлиснинг биринчи сессияси биринчи йиғилишида қилинган маърузанинг ўзиёқ халқимиз ўз хоҳиш-иродасини намоён этишда янглишмаганини, Истиқлолнинг буюк жонкуяри, халқчиллик, ватанпарварликнинг асл намояндаси, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиш учун кураш фидойиси Ислом Каримов буюк келажагимизнинг ишончли кафолати эканлигини кўрсатди. **"Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб,** — дея таъкидладилар Юртбошимиз ўз маърузаларида, — **бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат".**

Маърузада таъкидланганидек, **"ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор".**

Бундай шарт-шароитни яратишни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил амалга ошириш, ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқаришнинг турли бўғинларига раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда, биринчи навбатда истеъдодли, изланувчан, замонавий билимга эга бўлган ҳамда Ватанга, халқимизга садоқатли ёшларга кенг йўл очиб бериш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда сўздан амалий ишга ўтишнинг муҳим кафолати сифатида кадрлар танлашнинг объектив тарзда ишлайдиган **ТИЗИМИНИ** шакллантириш вазифаси қўйилди.

Албатта, бу вазифанинг изчил амалга оширилиши фақат ёшларимиз учун кенг истиқбол йўлларини очибгина қолмай, Юртбошимизнинг ривожланган давлатларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришиш орзуларининг ушалишида ҳам буюк аҳамият касб этади. Халқ хўжалиги ва ижтимоий ҳаётнинг турли бўғинларига раҳбарлик қилиш ёшларга топширилган жойларда эришилаётган муваффақиятлар бунинг ёрқин далилидир. Шу жиҳатдан республикамиз парламенти ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ёши ҳам анча ёшаргани диққатга сазовор.

Биз тошкентликлар ҳамон Юртбошимизнинг шу йил бошларида пойтахт сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқлари таассуротлари билан яшаётганимизни ҳам алоҳида таъкидлашни истардик. Бунинг боиси шундаки, Истиқлолимизнинг асосчиси бўлган Президентимиз мустақил одимларимизнинг дастлабки кунлариданоқ Тошкентнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Пойтахтнинг биронта диққатга сазовор жойи йўқки, у ерга Юртбошимизнинг қадамлари етмаган ёки қимматли маслаҳатлари билан ёрдамлари тегмаган бўлсин.

Шунинг учун ҳам Тошкентнинг қиёфаси сўнгги йилларда кескин ўзгариб кетди. Осмонўпар замонавий бинолар, кенг ва обод кўчалар, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга шаҳримиз кўркига-кўрк қўшиб турган салобатли кўприклар, файзли хиёбонлар, оромгоҳлар бунёд этилди. Уларни санаб адоғига етиш қийин. Ҳақиқатдан ҳам бугунги Тошкент жонажон Ўзбекистонимиз қисқа вақт ичида қўлга киритган асрларга татигулик ютуқларининг жонли рамзи, гувоҳи бўлиб қолди.

Буларнинг ҳаммаси биз журналистлар кўз ўнгида, ўткир нигоҳи остида содир бўлмоқда. Маълумки, журналистларни халқнинг жонли тарихини яратувчилар деб аташади. Шу нуқтаи-назардан олиб қарайдиган бўлсак, мамлакатимизнинг қаҳрамонона тарихини кунма-кун яратиб боришда бизнинг олдимизда ҳам жуда масъулиятли вазифалар турибди. Журналист қалами қанчалик холис, жасурона ва адолатли бўлса — жамият тараққиёти йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз шунчалик самарали бўлиши аниқ. Олий Мажлис биринчи сессияси биринчи мажлиси давомида республикамиз ва хориж мухбирлари билан мулоқотда Президентимиз билдирган мулоҳазалар оммавий-ахборот воситалари ходимлари учун катта аҳамиятга эга бўлди. Биз журналистлар ўз билим ва маҳоратимизни тинимсиз ошириб боришимиз, факт ва воқеаларга холисона баҳо бера билишимиз, ҳамма жойда адолат қарор топиши учун керакли журъат ва фидойиликка эга бўлишимиз даркор. Шундагина қалам аҳлининг тараққиётимизга қўшган ҳиссаси салмоқли бўлиши мумкин ва биз ўз муносиб мавқеимизни эгаллай оламиз.

*Акмал АКРОМОВ.*

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## ЯКУНЛАР ЧИҚАРИЛДИ, КЕЛАЖАК ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган кенгашда пойтахтимиздаги қурилиш мажмуининг ўтган йилги фаолияти сарҳисоб этилди ва 2000 йил вазифалари белгилаб олинди.***

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари А. Тўхтаев кенгашда сўзга чиқиб, ҳисобот даврида молиялаштиришнинг барча манбалари бўйича 40 миллиард сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилганлигини, йиллик режа бажарилиши 110 фоизни ташкил этганлигини таъкидлади. Ўтган йили 502,6 минг квадрат метр уй-жой бунёд этилди, 5505 ўринга эга бўлган 15 та касб-ҳунар коллежи ва 9 та академик лицейлар фойдаланишга топширилди. Ислом университети биносининг биринчи навбатини таъмирлаш ниҳоясига етказилди.

1144 ўринли мактаб, 480 болага мўлжалланган болалар боғчаси, бир сменада 230 беморни қабул қила оладиган поликлиникалар бунёд этилди, 54,7 километрлик сув қувури, 50,2 километрлик газ қувури тармоқлари, 71,5 километрлик канализация, 10,1 километрлик иссиқлик тармоқлари ётқизилди. Бундан ташқари Амир Темур ва Аҳмад Дониш кўчалари бўйлаб транспорт йўли фойдаланишга топширилди, янгиланган Хотира мажмуи, "Шератон—Тошкент" меҳмонхона мажмуи, "Боғи Эрам" истироҳат боғи, Бектемир туманида троллейбус линияси ва шунга ўхшаш иншоотлар фойдаланишга топширилди.

Лекин шу билан бирга ишдаги мавжуд ва йўл қўйилган камчиликлар шаҳар қурилиш мажмуи юксалишига монелик қилмоқда. Жумладан, назорат қилувчи идоралар томонидан муддатга риоя қилмаганликлари, сифатсиз ишлари учун бош пудратчиларга жарима чоралари қўллаш ҳоллари юз берди.

Ана шу нуқсонларга барҳам беришнинг йўлларидан бири ижрочиларни танлов асосида танлаб олишни жорий этиш бўлди. Бу қурилиш учун буюртмалар қабул қилиш усулидир. Ана шу усул ўзининг истиқболли эканлигини кўрсатиб, тендерларни ўтказиш бўйича ишларни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Кенгашда шаҳар қурилиш мажмуининг 2000 йилги вазифалари белгилаб олинди. Асосан ажратилаётган маблағлар қурилаётган ёки таъмирланаётган иншоотлар учун мўлжалланмоқда. Жумладан, 10344 ўринли касб-ҳунар коллежлари бунёд этилади ва фойдаланишга топширилади. Бу ишда ягона буюртмачи шаҳар капитал қурилиш бош бошқармасидир. Жорий йилда 66,3 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун 1800 миллион сўм ажратилган, ана шу маблағлар эвазига 6 та иншоот фойдаланишга топширилмоғи керак.

Маълумки, 2001 йилда метронинг Юнусобод линиясининг биринчи навбатини фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Жорий йилда олтита бекат қурилишини давом эттириш учун 3,5 миллиард сўм ажратилди. Шунингдек, 2000 йилда Аҳмад Дониш кўчаси бўйлаб Кайқовус ариғига қадар ўтиш йўлини фойдаланишга топшириш, Матбуотчилар кўчасидаги қурилишларни ниҳоясига етказиш, Навоий кўчасида трамвай линиясини Амир Темур кўчасидан Хадра майдонигача қайтадан ўтказиш, Ўзбекистон шоҳ кўчасини Мовароуннаҳр кўчасидан то Ш. Рашидов шоҳ кўчасигача трамвай линиясини олиб ташлаган ҳолда таъмирлаш, шунингдек, Шастри кўчасидан то Оққўрғон кўчасигача трамвай линиясини олиб ташлаган ҳолда таъмирлаш кўзда тутилган. "Наврўз" акциядорлик жамияти мажмуида доимий хизматда бўладиган концерт майдончаси биринчи навбатини Наврўз байрамигача бунёд этиш ва фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Юнусобод туманида мустабид тузум пайтидаги қурбонлар хотирасига мемориал бунёд этилади.

Кенгашда "Ўзуйжойжамғармабанк" ва "Тошкентуйжойинвестқурилиш" корпорацияси, шаҳар капитал қурилиш бош бошқармаси, "4-трест" акциядорлик жамияти, "Тошметроқурилиш" трестининг амалга оширган ишлари тўғрисидаги ва истиқбол режалари тўғрисидаги ҳисоботлари ҳам тингланди.

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти юксак лавозимига қайта сайланганлиги муносабати билан хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарларидан дил изҳори битилган самимий қутловлар келиши давом этмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида мамлакатимиз олий ўқув юртларида бакалавриат, магистратура ва аспирантурада таҳсил олаётган иқтидорли ёшларнинг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

● Термизда мазкур шаҳарнинг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди.

● Бухорода Республика қурилиш мажмуига кирувчи ташкилотлар раҳбарларининг ўтган йил якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ижтимоий-гуманитар фанлар комплексининг 1999 йил якунларига бағишланган йиллик илмий мажлиси ва илмий сессияси бўлиб ўтди.

● Пойтахтимиздаги Ҳиндистон маданият марказида Ўзбекистон Бадиий академияси республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчиларининг Ҳиндистон мустақиллик кунига бағишланган кўргазмаси очилди.

● Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг бадиий галереясида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзбекипаги" ассоциациялари, Ўзбекистон Бадиий академияси Соғлом авлод йилига бағишлаб "Тўқимачилик ва дизайн" деб номланган кўргазма ташкил этди.

● Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари ўқувчилари учун 1999–2000 ўқув йили олимпиадасининг учинчи вилоят босқичи якунланди.

● Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Камолот" жамғармаси ташаббуси билан республика олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган "Қувноқлар ва зукколар" анъанавий кўрик-танловининг иккинчи босқичида Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институтининг "Турон" театр студияси биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг якуний босқичида қатнашадиган бўлди.

● Осиё Кубоги эгалари кубоги баҳсларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган Наманганнинг "Навбаҳор" футбол жамоаси Саудия Арабистонига жўнаб кетди.

● Ўзбекистон таэквандочилари яна бир бор юртимиз довруғини дунёга таратди. Москвада 17 жамоа иштирокида ўтган халқаро турнирда мезбонлардан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган жамоамиз 7 та олтин медални қўлга киритди.

### ЖАҲОНДА

● "Ўзбекистон қудратли давлатга айланади". Хитойнинг энг нуфузли ва марказий газеталаридан бири –"Жэньминь жибао" таҳлилий мақоласини шундай деб номлади.

● **Бугун** – Ҳиндистон Республика деб эълон қилинган кун.

● Москвада Россия, Германия ва Италия ташқи ишлар вазирларининг иккинчи уч томонлама учрашуви бўлиб ўтди.

● Туркия билан Греция ўртасида икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

● **Бугун** Россия ва Белоруссия иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома кучга киради.

● **Кеча** Колумбия Президенти А. Пастрано АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашиб суҳбатлашди.

● Венгрия мудофаа вазири Янош Сабо Россиянинг "МИГ" самолётсозлик корпорацияси бош директори Николай Никитин билан учрашди. Учрашувда Венгрия армиясидаги "МИГ-29" русумли қирувчи самолётларни замонавийлаштириш масаласи муҳокама этилди.

● **Бугун** Москвада МДҲ давлатларининг божхона хизматчилари йиғилиши бўлиб ўтади.

● Мисрда инсон ҳуқуқлари бўйича фаолият кўрсатаётган ташкилот ҳукуматнинг 14 та газетани ёпиш ҳақидаги қарорини қоралади.

● Чехия пойтахтидаги беш юлдузли "Прага" меҳмонхонасида яшаётган 200 дан ортиқ меҳмоннинг барчаси шошилинч равишда ўз қўналғасини тарк этишга мажбур бўлди. Сабаби меҳмонхона ертўласига ўрнатилган совутгич тизимидан ҳавога аммиак моддаси чиқиб кетган эди.

● **Кеча** руминиялик темирйўлчилар иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилиб, умумий иш ташлаш эълон қилдилар.

● **Бугун** Карачида Покистоннинг собиқ бош вазири Н. Шариф устидан суд жараёни бошланади.

● АҚШнинг шарқий ҳудудларида кучли қор ёғди. Оқибатда кўплаб шаҳарларда йўллар беркилиб қолди. Қор қалинлиги баъзи жойларда 20 сантиметрдан ошди. Пойтахт – Вашингтон ҳам қор остида қолди.

● Франциянинг Клермон – Феррон шаҳридаги автомобиль шиналари ишлаб чиқарадиган машҳур "Мишелен" фабрикасида кучли ёнғин содир бўлди. Оқибатда 1300 тонна елим ёниб кетди. Беш нафар ўт ўчирувчи жароҳатланди.

● Венгрияда шахсий қуролларни қайтадан рўйхатга олишнинг янги таркиби ишлаб чиқилмоқда. Энди венгерларнинг кўпчилиги қуролларини яширишга ёки қуролсизланишга мажбурдирлар.

● Македонияда авиайўловчилар самолёт ҳалокатининг олдини олиб қолишди. Улар самолёт экипажининг қаттиқ маст эканини кўришиб, тегишли органларга хабар беришди. Натижада экипаж аъзолари парвоздан четлатилди.

● Исроил Президенти Эзер Вейцман мамлакатдаги баъзи бир партиялар томонидан танқид қилинаётганига қарамай, истеъфога чиқмаслигини яна бир бор маълум қилди.

● Ҳиндистоннинг Удайпур шаҳрида аёллар ўртасида ўтказилган шахмат бўйича саккизинчи Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Унда 12 мамлакатдан 20 спортчи қатнашди. Ўзбекистон шарафини халқаро тоифадаги гроссмейстер Рена Мамедова ҳимоя қилди. У беллашувда 11 имкониятдан 7,5 балл тўплаб, учинчи ўринни эгаллади ҳамда бронза медали совриндори бўлди.

*Санъаткорларнинг ҳаёт йўлларини кузатган, ролларини диққат билан томоша қилган кишилар актёрларнинг энг бахтли онларига — лаҳзаларига шоҳид бўладилар. Актриса ва режиссёр Дилором Каримова, назаримизда ана шундай лаҳзаларни такрор бошидан кечираётгандек. Чунки у кўп бора томошабинларнинг эътиборига тушадиган роллар ижро этган.*

Диллашув

# ЁНИНГДА ЯХШИ ҲАМКОР БЎЛГАНДА



**— Дилором опа, театр санъатига сиз қай тарзда кириб келгансиз? Умуман сизда санъатга шу қадар теран муҳаббат қачондан бошлаб қалбингизда ниш отган?**

— Ёдимда, отам, машҳур фельетончи журналист Абдумалик Иброҳимов, онам, шифокор Муаззамхон ўз даврининг энг зиёли кишилари сифатида тез-тез театрга, истироҳат боғларига олиб боришарди. Онамнинг эслашларича, Муқимий номидаги театрга борганимизда "Тоҳир ва Зуҳра" спектаклини бутун вужудим билан тикка туриб кўрган эканман. Ёсуманнинг кулишлари, Жамила билан Ғофирнинг гаплашишлари мени сеҳрлаб қўйганди. Мактабда ўқиб юрган кезларимизда ҳинд қўшиқларини жуда яхши айтардим. Ҳатто мени VI Жаҳон ёшлари фестивалига юбормоқчи ҳам бўлишган. Лекин мен ҳинд қўшиқларининг матнини аниқ билмасдим, эшитганим бўйича куйлайверардим, шунинг учун қўрққанимдан қочиб кетганман. Кейин маҳалламиздаги (Кўкча дарбоза) болалар билан спектакллар қўйганмиз. Ўша кезларда Ёш томошабинлар театрида "Зумрад ва Қиммат", "Сирли сандиқ" деган спектакллар бўлгувчи эди. Ўшаларни ўзимизча ўйнардик. Математикадан ҳам қобилиятим бормиди, билмадим, ўқитувчимиз Содиқ ака мени ихтисослашган 82-мактабга юбордилар. Ўша мактабга кета туриб йўлда Аҳмад Юнусов (мақомдон, академик Юнус Ражабийнинг ўғиллари) раҳбарлик қиладиган драмтўгаракка дуч келганман. Улар телевидениеда ҳам ишлардилар. Улар саҳналаштирган "Ўғил", "Сурмахон" телеспектаклларда роллар ўйнаганман. 10-синфда ўқиётганимдаёқ одамлар орасида машҳур бўлиб кетганман. Шунинг учун институтга ўқишга кираётганимда бирданига 2-курсга ўқишга қабул қилишган.

**— Дилором опа, сиз узоқ йиллар мобайнида Ҳамза номидаги отахон театримизда меҳнат қилдингиз. Лекин бирданига мухлисларингизни таажжубда қолдириб телевидениега ишга ўтиб кетдингиз. Бу ҳолатни қандай изоҳлайсиз?**

— Мен театрдан ҳеч нолимайман. Чунки у ерда катта ва кичик ролларни имконим қадар ижро этдим. Ҳатто оммавий саҳналарда чиқишдан уялмадим.

**— Нега уялишингиз керак, ахир сиз актёрсиз-ку?!**

— Гапингиз тўғрику-я, лекин орамизда 5-6 йил ишлаб қўйган баъзи актёрлар оммавий саҳналарда чиқишни негадир уят деб билишади. Хуллас, мен кўп роллар ижро этардим ва жуда банд бўлардим. Лекин ўзингнинг дилингдагини айтиш учун, ўзингни кўрсатиш учун бу кам экан. Маълум бир сабаблар билан театримиздан 25 киши ҳозирги Аброр Ҳидоятов номли театрга ишга ўтишди. Шулар орасида мен ҳам бор эдим. Лекин у ер ҳам меники бўлолмади. Ўша кезларда, яъни 90-йилларнинг бошларида телевидениенинг "Адабиёт ва театр" бўлимида режиссёрликка жой борлигини эшитиб, ўзимни синаш учун таваккалига ўтиб кетдим. Ҳозир бундан ҳеч афсусланмайман.

**— Театр актёри бирданига режиссёрликка-я?!**

— Ҳа, бунинг ажабланадиган ери йўқ. Агар хоҳиш бўлса одам қиладиган ишни одам қилиши мумкин. Бу ишда менга телевидениенинг етакчи режиссёрларидан Ҳайбат Алиев йўл-йўриқ кўрсатдилар, Ҳамид Қаҳрамонов, Толиб Ҳамидов, Маҳкам Муҳамедов каби истеъдодли режиссёрлар қўллаб-қувватлашди. Таъкидлашим жоизки, мен телевидениега етимчадай бирданига кириб келганим йўқ, театрда ишлаб юрган йилларимда ҳам жуда кўплаб кўрсатувларда иштирок этардим ва кўзим кўп нарсани кўриб "пишиб" кетганди. Ўша ўзим иштирок этган кўрсатувлар диққат билан режиссёрларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, ўрганиб боргандим. Булар менга қўл келди.

Яна бундан ташқари, яхши ҳамкор топилмаса, балки мен театрга қайтармидим. Аммо тақдир менга шундай инсонни учратди. Муҳаррир, ёзувчи Нормурод Норқобилов билан ҳамкорликни биринчи режиссёрлик ишим "Музайяна Алавия" деган кўрсатув билан бошладим. Бу кўрсатув мухлисларда ҳам, мутахассисларда ҳам яхши баҳо олди ва менинг бошлаган ишимга ишонч уйғотди.

**— "Қуёш ботмайдиган юрт" видеофильмини суратга олиш фикри қандай туғилди?**

— Бу фильм Нормурод Норқобиловнинг "Рўмолча" ҳикояси асосида олинган. Дастлаб режиссёр Қодир Саъдуллаев билан сценарийни биргаликда тайёрладик. Лекин биринчи марта съёмкага боргандан кейин Қодир бошқа иш билан банд бўлиб қолди. Тақдир тақозоси билан бу фильмни охирига етказиш менга насиб этди.

**— Агар янглишмасам ҳикояда телба она образи йўқ эди. Сиз бу ролни ҳам жуда маҳорат билан ижро этгансиз.**

— Ҳа, тўғри. Биласиз, асарда ҳамма нарса текис кечади, чунки муаллиф бир четдан ҳикоя қилиб боради. Экранда эса ҳаммаси жонланиши керак, ҳаёт кўриниши керак. Асардаги ҳаётнинг баъзилари видеофильмга бор бўйича киради, баъзилари эса йўқ. Биласизми, дастлаб бу ҳикояни режиссёр Толиб Ҳамидов олмоқчи бўлган. Толиб Ҳамидовнинг фикри билан телба онани киритдик. Бундан ташқари Маликанинг ўзини ўлдиришга олиб борадиган нарса, унинг руҳий ҳолатини мураккаблаштирадиган нарса ҳам унинг онаси эди.

**— Фильм устида ишлай бошлаганингизда шундай муваффақиятга эришамиз деб ўйлаганмидингиз?**

— Йўқ, йўқ, ҳеч кутмагандим. Ишонасизми, шунақа кўп телефон қўнғироқлари бўлди. Қизлар: "Нега Маликани ўлдирдинглар? У ўлмаслиги керак" деб сим қоқишарди. Кўплаб хатлар олдик. Киношунос олим Ҳамидулла Акбаров эса "Давомини қўйинглар, фильм охирида қаҳрамон ҳаётини мавҳум туғаллагансизлар" деб маслаҳат бердилар. Ҳатто Малика роли ижрочиси Лола Элтоева Қорақалпоғистонга хизмат сафарига борганида бир йигит келиб: "Агар Малика ўлса, Тўйчининг аҳволи нима кечади?" Шуни ўйладингларми?" деб дакки берибди. Хуллас, ана шундай гап-сўзлар таъсирида давомини олишга аҳд қилдик.

**— Яна Н. Норқобилов ҳикояларидан фойдаландингларми?**

— Ҳа, унинг учта янги ҳикояси ва экран талаб этадиган янги саҳналар қўшиб, беш қисмли видеофильм сценарийсини ёздик. Мен шу ўринда Ҳамидулла акадан миннатдорман, чунки уларнинг талаби билан бўлди бу иш. Улар видеофильмнинг давомини кўргач камчиликларини очиқ-ойдин айтдилар, бизнинг фикрларимизни эшитдилар. Уларнинг тўғри баҳолари ўзимга ишонч, келажакдаги қиладиган ишларимга умид уйғотди, режиссурада маҳкам оёқ қўйишимга сабаб бўлди.

**— Шу кунларда қандай ижодий режалар билан бандсиз?**

— Нормурод Норқобиловнинг ҳикояси асосида бир қисмли комедия фильмини бошлаш арафасидамиз. Сценарийси тайёр. Бундан ташқари муҳаббат мавзуидаги жиддий асар устида изланишлар олиб боряпмиз. Ҳозирча мухлисларни шулар билан хурсанд қилмоқчиман.

***Суҳбатни Маъпура НАБИЕВА ёзиб олди.***

# Ўкинч

Ҳикоя

Тўсатдан бошланган довул еру кўкни чанг-тўзонга тўлдирди. Яқин ўртада нимадир гумбурлаб ерга қулади. Кейин қарсиллаб синган шифер товушлари эшитилди.

Карима шокилдали ручкасини қўлида маҳкам қисганча оний қўрқув билан онасига термулди. Кампир лабини тишлаб, қўшни хонага югурди.

Устма-уст момақалдироқ гумбурлади. Чақмоқнинг оловли тили тун зулмат қаърини ёриб ўтди. Шаррос ёмғир қуйиб юборди.

Нариги хонадан кампирнинг қалтироқ овозда тез-тез калима келтиргани, сўнг беморнинг нажотли инграғи эшитилди. Карима ҳушёр торттиб қўшни хонага югурди. Кўзи эрининг сўник нигоҳига тушди-ю даҳшатдан унинг ёнига тиз чўкди.

Фозилжон қўллари билан тўшакни пайпаслаганича нимaнидир қидирар, нимaнидир тутгиси келарди. Карима нозик бармоқлари билан эрининг кафтини маҳкам қисди. Беморнинг кўнгли таскин топгандек бўлди. Хотинига мамнун боқди. Унинг лаблари қандайдир муҳим бир гап айтмоқчи бўлгандек зўр-базўр пичирлар, лекин ундан ҳеч қандай маъно уқиб бўлмасди. Карима ҳам шу топда эрининг кўнглига таскин берувчи бирон бир сўз айтмоқчи бўларди-ю ҳаяжондан тили айланмасди. Аламидан Фозилжоннинг бармоқларини баттар қисарди.

Эр нигоҳини хотинига қадаганича жимиб қолди. Лаблари пинҳоний ҳаракатдан тўхтади. Панжалари бир зумда шалвираб тушди...

Кампир қизини зўр-базўр тортқилаб қўшни хонага олиб чиқди.

– Оллоҳнинг иродасига бўйсунмай иложимиз йўқ, қизим. Бечоранинг пешонасига ёзилгани шу бўлса нима қилайлик.

Бироқ онанинг юракдан айтган бу сўзлари ич-ичидан эзилаётган Кариманинг кўнглига заррача таскин беролмади. У худди аламини кўз ёшидан олаётгандек ўкириб-ўкириб йиғлади.

Сўнг нафаси бўғилиб, беихтиёр ташқарига отилди. Шаррос қуйиб ўтган ёмғирдан сўнг ҳаво мусаффо эди. Ола-чалпак булутли осмоннинг алла қаерида гоҳо-гоҳо юлдуз милт этарди-ю гўё ҳозиргина рўй берган табиий офат учун ўзини айбдор ҳис этгандек уялиб бир зумда юзига қора парда тортарди.

Инсон табиати қизиқ. Кўпинча бошингга бирон оғир ташвиш тушгандагина босиб ўтган йўлингга назар ташлайсан. Ўтмишдаги нурли излар кўз ўнгингда гавдаланиб, ғамингни унутгандек бўласан, бир дам ўша бахтиёр кунлар оғушида қоласан.

Ҳозир Карима ҳам мана шундай кайфиятда эди. Эрининг уйда ётган совуқ мурдаси, одамлар елкасида тебраниб бораётган тобут, кимсасиз қабристон даҳшати бутун борлигини чулғаб олган Кариманинг кўзи ҳовли тўридаги олма дарахтига тушди-ю ҳаёлида чарх ураётган даҳшатли ўйлар чекиниб, улар ўрнини ўша унутилмас кун эгаллади.

...Никоҳ куни улар худди мана шу олма тагига қўйилган стулда ёнма-ён ўтиришганди. Ўшанда Фозилжон ҳам, Карима ҳам бахтиёр эдилар. Бутун никоҳ базми давомида куёв ва келин бир-бирларига бўлган кучли эҳтиромларини ҳар дамда, ҳар бир хатти-ҳаракатларидан шундоқ сезиб туришганди. Кейин янгалар минг нозкарашма билан (гўё бу йигитга Карима эмас улар турмушга чиқишаётгандек) оғзиларидан бол томиб куёв ва келинни ёлғиз қамаб қўйишганди...

Фозилжоннинг отаси эрта вафот этди. Онаси қайта турмуш қурмади. У бутун ҳаётини ёлғиз ўғлининг келажагига тикди. Уни кўз қорачиғидек авайлаб катта қилди. Бироқ ўғли ўрта мактабни битириш арафасида она юрак касалига чалиниб оламдан ўтди. Фозилжон аламини ўқишдан олди. Мактабни аъло баҳолар билан тугаллаб, университетнинг филология факультетига ўқишга кирди. Шу ерда Карима билан танишди. Унга кўнгил қўйди. Бу камтарин, ёқимтой йигитни қиз ҳам юракдан севиб қолди. Биринчи курсни тугаллаш арафасида Фозилжон ҳарбий хизматга чақирилди. Уч йил давомида узлуксиз ёзиб турилган сирли мактублар йигит билан қизни бир-бирларига қаттиқ боғлаб қўйди.

Тўйдан кейин Фозилжон ўқишни давом эттиролмади. У оила ташвишини ўйлаб заводга ишга кирди. Карима университетнинг охирги – 5-курсида ўқирди ўшанда. Кўп ўтмай ўқишни тугаллаб, университетнинг ўзида қолди. Кейин илмий ишга қўл урди.

Орадан йиллар ўтган сари Фозилжон характерининг "янги қирралари" намоён бўла бошлади. Эридаги бу ғалати ўзгариш – камгаплик, совуққонлик кайфиятини Карима ҳар куни сезиб турса-да бунинг боисини сўраб-суриштириб ўтирмади. Баъзи оилавий келишмовчиликлар сабабини фақат фарзандсизликка йўйди. Гўё бу хонадонда фарзанд туғилиши билан ўрталаридаги гина-кудратларнинг барчаси бир зумда кўтарилиб кетадигандек туюлди унга.

Нима қилсин? Ҳозирча эри буни тушунмаяпти. Биргина фарзанд туғилиши хотинининг ниҳоясига етай деб қолган илмий ишини камида икки-уч йил орқага суриб юборишини кўра-била туриб ўжарлик қиляпти. Хотинининг бахтини ўйламаяпти. Хўш, Карима фан номзоди бўлса ёмонми? Ахир у ҳам келажакни ўйлаб, шу оиланинг бахтини деб туну кун китоб устига мук тушиб ётибди-ку? Ёки эри хотинининг ўзидан ўзиб кетаётганлигини ёқтирмаётганмикан? Ундай бўлса нега ўқишини давом эттирмади? Ахир Карима уни ишлашга мажбур қилгани йўқ-ку. Тўкин-сочин замонда кимнинг қозони қайнамай қоляптики, уларнинг қора қозони қайнамаса? Айб эрида. Ўзи нодонлик қилди. Қилғиликни қилиб энди димоқ-фироққа бало борми?

Каримага домласининг инжиқлиги ҳам етиб ортяпти. Домла Хайри Сафонинг одати қизиқ. Кафедрадами ёки университетдами, ишқилиб қаерда бўлмасин Каримага кўзи тушса бас. "Ишдан кейин қолинг, маслаҳатли гап бор" деяверади. Шогирдининг вақти билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Шундай пайтларда Карима домланинг дарси тугашини зоринтизор кутиб ўтиришга мажбур. Ниҳоят у Хайри Сафо билан тўқнашганда эса "маслаҳатли гап" ўлгурдан бирон маъно чиқмайди. Домла ҳамиша сўзни "Хўш, азизим, ишингиз нима бўляпти?" дан бошлаб "диссертация ёқлаш – игна билан қудуқ кавлаш" деган дабдабали жумла билан тугаллайди. Аллақачонлар сийқаси чиқиб жонга тегиб кетган бу иборани Карима қайта-қайта тинглашга мажбур.

Бир марта Карима зарурият туфайли Хайри Сафонинг "маслаҳатли гап"идан воз кечиб кетиб қолганди. Домланинг қовоғидан бир неча кун қор ёғиб юрди. Карима қайта-қайта кечирим сўраб аранг қутулди. Шундан бери унинг учун устозининг гапи қонун.

Хайри Сафонинг бошқа киши билмас инжиқликларига ҳам Карима чидаб келяпти. Хусусан, у театр ёки кинога ҳам якка ўзи бормайди. Кўпинча Каримани мажбуран бошлаб боради. Маданият ва санъат билан яқиндан танишиш илмий иш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги ўртага солингач, Карима унинг таклифини рад этолмайди. Кейин билса домланинг дили бошқа-ю тили бошқа экан.

Бир куни кечки пайт улар кафедрада ёлғиз қолганларида Карима буни юракдан ҳис этди. Хайри Сафо бир гапириб ўн куларди шу куни. Карима эса унинг ҳазил-ҳузул гапларига зўрма-зўраки жилмаярди-ю ҳурмат юзасидан домланинг сўзларига маҳлиё бўларди. Қачонки Хайри Сафонинг ўзи сингари думалоқ, семиз бармоқлари Кариманинг билагидан тутганда у сесканиб кетди. Карима қўлини бўшатиш учун ҳарчанд уринар, Хайри Сафо эса унинг нозик бармоқларини тобора ўзига тортарди. Агарда фаррош хотин хонани тартибга солиш учун супурги кўтариб кириб қолмаганида, бу олишув нима билан тугаши Каримага қоронғи. Лекин у шу куни бир нарсани – Хайри Сафодан иложи борича узоқроқ юриши кераклигини тушунди. Лекин қандай қилиб? Унда илмий иши нима бўлади? Бировга айтса баттар шармандаси чиқади. "Ғунажин кўз сузмаса, буқа арқон узмайди" қабилида сўз қилишлари турган гап. Гап чуваланиб эрининг қулоғига етса борми ҳаммаси тамом. Алвидо, университет, алвидо, илмий иш. Шусиз ҳам кейинги вақтларда Фозилжон тўнини тескари кийиб юрибди. Бунинг боиси ҳам Каримани шу домла ўлгур билан бир неча бор ёлғиз учратиб қолганида. Бир марта у кеч қолган хотинини ишхонасига излаб бориб Хайри Сафо билан "маслаҳатли гап" устида қўлга туширди. Иккинчи марта уларни фавқулодда кинода учратиб қолди. Ўшанда ораларида пайдо бўлган араз ўлгур шу чоққача аччиқ ичакдек чўзилиб келяпти. Шундан бери Фозилжон ғалати бўлиб юрибди. Лекин у андишага борибми, ёки бошқа бирон сабабли, ҳарқалай, қаттиқ-қуруқ гап қилмаяпти, дардини ичига ютяпти.

Чиннини ҳар қанча авайлама, вақт-соати етиб, барибир бир кун синаркан. Ниҳоят Фозилжон ҳам "ёрилди". Ичиб келиб кўнгли тубида чўкиб ётган гапларни хотинига тўкиб солди.

**(Давоми 4-бетда).**

Малҳамлар

# НОКНИНГ ХОСИЯТИ

*Ширин-шарбат мевалар ичида кишиларга лаззат инъом этувчи нокнинг шифобахш хосияти талайгина.*

Ноклар узоқ яшайди. Ёввойи ноклар 150-200 йил, экинлаштирилган навлари 50-70 йил ўсиб, мева беради. Ер юзида нокларнинг 60 та тури ўсади. Нокларнинг энг кўпи Кавказда, Ўрта Осиёда, Молдовада учрайди. Унинг ажойиб тарихи ҳам бор. Нокларнинг келиб чиқиши, яъни қачон пайдо бўлганлиги ҳақидаги фикр олимларнинг диққатини кўп вақтлардан буён жалб этиб келади.

Болгариянинг "Фан ва техника" журнали "Бу мева қаердан келиб қолган?" деган саволга қуйидагича жавобини чоп этган: "Нок Грецияга Кичик Осиё ва Арманистон орқали Эрондан келтирилган. Бу ердан кейин у Римда пайдо бўлган ва Ўрта Оврўпода анча ноёб ҳисобланган". Экинлаштирилган навлари Кавказ, Ўрта Осиёдаги ёввойи нокларидан, уларни бир неча йиллар саралаб экиш натижасида келиб чиққан. Икки минг йил илгари экинлаштирилган. Давр ўтиши билан нокка бўлган талаб тобора орта борган. Шуниси қизиқки, дастлаб ҳатто заҳарли деб ҳисобланган нок энг лаззатли мевага айланган. XIX асрга келиб Францияда нокнинг 900 нави кашф этилади ва у французларнинг миллий мевасига айланади.

Ўзбекистонда нокларнинг 4 та экинлаштирилган ва 4 та ёввойи турлари ўсади. Нокнинг ёзги, кузги ва қишки навлари бор. Баъзи навлар узоқ сақланиши туфайли йил бўйи мевасини истеъмол қилиш мумкин. Нок азалдан халқлар орасида бир талай касалликларни даволашда қўлланиб келинади. Шарқ табобатининг билимдони Абу Али ибн Сино нок билан беморларни даволагани маълум. Қуритилган нок жароҳатларни битиради, меъдани тозалайди, ташналикни кесади, сафрони тўхтатади. Нок қоқиси ич кетганга қарши, яъни ични қотиради, йўтал хуружини пасайтиришда ажойиб малҳам. Ширасида пешоб ҳайдовчи хосият бор. Шираси ва қайнатмаси фақатгина пешоб ҳайдамасдан, балки унинг йўлидаги тошларни нуратишда, шу билан бирга бактерияларга қарши таъсир кўрсатади. Хўш, нега шундай экан? Чунки нок мевасининг кимёвий таркибида 15 фоиз қанд, олма кислота ва бошқа органик кислоталар, азотли моддалар, 5 фоиз никотин, ферментлар сақлайди. Шу билан бирга меваси таркибида ошловчи моддалар, 20 фоиз каротин, турли дармон-дорилар, фолий кислотаси, темир, кобальт, калий, марганец бор. Уруғ қоқиси кофе ичимлигини олишда ишлатилади. Унда 21 фоиз мой бўлади.

Олимлар нок барглари устида ҳам изланишлар олиб бораётир. Биринчи бўлиб ҳиндистонлик олимлар нокнинг ёш барглари таркибида фенол моддаси борлигини аниқлашга эришдилар. Қайнатмаси тана ҳароратини туширади, ҳазм йўли фаолиятини яхшилайди. Юрак ўйнаганда тинчлантирувчи, шаробда тайёрланган экстракти хавфли ўсмаларга яхши наф келтиради.

***Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.***



*Хоразмча рақс.*

Шарқ дурдоналари

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

◆ Бир донишманднинг ўз ўғлига насиҳат қилганлари:

– Эй ўғлим, қилаётган ишинг кичкинагина гуноҳ бўлса ҳам уни ҳеч қачон кичик деб санама, одамларга яхшилик қилишнинг толиби бўл, ундан сенга яхши фойдалар етади. Кучинг борлиги учун душманни ҳадеб эзаверма, пайт пойлаб, жонидан тўйгач, сени ҳалок этиши мумкин. Одамнинг ёлғончи эканини билиб туриб, айтган гапидан жон бордир деб ўйлаб, унинг гапига қараб иш тутма! Шубҳали ва гумонли ишларга қўл урма, сўровчини ноумид ҳолда қайтарма! Ўзингга ёқмаган нарсаларни бировга раво кўрма. Бировга қилган ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик куни келиб ўзингга қайтишини эсдан чиқарма!

◆ Анушервон бир куни Юнондан:

– Энг яхши яшаш нима? – деб сўради.

Юнон унга:

– Саломат бўлиш ва хотиржамликда яшаш – яхши яшашдир. Аммо, яхши ном қолдириш кишининг абадий яшашидир! – деди.

Ҳормус ҳаким айтади:

– Одам учун сазовор нарса шуки, у ҳикмат ўргансин, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин. Ҳикмат ва фазилатга етишга қарилик тўсқинлик қилолмайди. Ҳикмат шундай нарсаки, у ўзгармайди ва касод бўлмайди. Ҳикматни кимки дилига жойлаган бўлса, на ботир, на қаҳрамон, на подшоҳ ҳеч ким уни тортиб ололмайди. Киши ўз ниятини сўзи билан мувофиқ қилсин, токи тили бошқа-ю дили бошқа бўлмасин!

◆ Киши учун энг фойдали ва дилни ёритувчи нарса қаноатдир. Энг зарарли ва нафратли нарса ҳирс ва ғазабдир. Одам учун энг ёқимли нарса хурсандчилик бўлиб, у яхшилик қилишдан ҳосил бўлади. Яна шодлик қаноатдан келса, ғам ҳирсу ғазабдан ҳосил бўлади.

***"ЖОВИДОНИ ХИРАД"дан.***

◆ Ақл ва фаросат шундай гавҳарки, унинг мадади билан кишиларнинг сўзи ва феълу ҳаракатига қараб уларнинг ақл доирасини, касбини, яхши хислатини ёки қабиҳ иллатини сезиб олиш мумкин.

Кишиларнинг оқил ёки жоҳиллиги уларнинг сўзидан ва тутган ишидан маълум бўлади. Шунинг учун ҳам донолар "Қозонда бори чўмичга чиқар" деб бежиз айтишмаган!

**Назм:**

*Ҳар кимсанинг бўлса ёмон одати,*
*Ўзи билмас такрорланар бу одат.*
*Чаён тошга урар ўткир нишини,*
*Ваҳоланки, етказолмас ҳеч заҳмат.*

◆ Эй фарзанд, билгинки, мунофиқ ва ҳасадгўй кишилар, таъсири яхши одамларни йўлдан чиқаради. Доно ва олимлар суҳбати эса кишига боқий умр бахш этади. Беҳуда сўзлар айтилаётган мажлисга тушиб қолсанг, бундай мажлисдан қоч!

◆ Душман билмасин ва эшитмасин деб яшириб юрган сиринг бўлса, бу сирни ишониб, ҳар бир кимсага айтаверма. Одам ва олам бир хил турмайди. Дўст деб юрганинг куни келиб душманга айланиши мумкин! Бундан ташқари, қўлингдан келмаган ишни қиламан, деб бировга ваъда берма! Хайрли ишни амалга ошириш учун шошил! Эй фарзанд, энг ёмон хислат дунёда дўстларга қилинадиган макр билан ҳийладир.

◆ Эй фарзанд, агар дунёда доимо тараққий қилай десанг, софдил бўл! Умрингни фақат мол учун сарфловчи бўлма! Ёмон кишилар билан улфатчилик қилма. Ҳеч қачон бадгумон ва эгри фикрли бўлма! Бадгумонлик сени барча дўстларингдан узоқлаштиради ва ёлғизлатиб қўяди.

***Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.***

◆ Агар кишига бахт мададкор бўлиб, давлат ёр бўлса, ғофиллик бодасидан ичиб, маст бўлмаслик керак. Балки, ибрат кўзи билан идрок қилмоқ кераккки, бу чархи ситамкор бир айланиш билан Жамшид ва Заҳҳок каби шоҳларни нима қилади?! Ва ҳаёт қийинчиликлари ҳамда охири йўқ туну куннинг ўтиши билан бепарво бўлиб, азиз умрни беҳуда ўтказмаслик керак. Дунёда ҳеч кимса бир хил бўлиб турмайди. Дунё найрангини ва чархнинг хилма хил товланишини билмоқчи бўлган киши учун ўзидан олдин ўтган султонлар ва ҳакимлар ҳолига ибрат кўзи билан боқмоғи бас.

Бировга наф келтирмайдиган бойлик – энг ёмон бойлик. Энг ёмон дўст мусибат ва қийинчилик онларида кишини танҳо қолдирган дўстдир. Энг малъун қариндош шуки, ундан ўз қариндошларига наф етмайди. Энг ёмон хотин шундайки, эри билан келишмайди. Энг ёмон фарзанд шундайки, ўз ота-онасига итоат қилмайди. Дили билан тили бир бўлмаган суҳбатдошларнинг суҳбати энг ёмон суҳбатдир. Энг ёмон тан доимо соғлиғи бузилиб, пайваста ранжу алам остида бўлган тандир. Тинчлик ва арзонлик бўлмаган шаҳар энг вайрона шаҳардир.

Саховат ва карам эгалари, камбағал ва бечора бўлишларига қарамасдан, қайга бормасинлар иззат ва ҳурматда бўладилар. Бахил ва хасис кишилар эса доимо лаънат остида бўлиб, хор ва беэътибор яшайдилар.

Қуйидаги уч ёмон феъл, яъни бевафолик, макр ва адолатсизликдан парҳез қилмоқ ҳар бир киши учун лозимдир.

**Назм:**

*Одамга илашиб юрар бу уч феъл,*
*Ундан қаттиқ озор чекади ҳар эл.*
*Бири бевафолик эрур инсонда,*
*Бундан ёмонроқ феъл йўқдир жаҳонда.*
*Бири макр, бири адолатсизлик,*
*Ундан ҳосил бўлар диёнатсизлик.*
*Ақлли ва ҳушёр бўлсанг сен агар,*
*Ҳазар қил уч феълдан, ҳазар қил, ҳазар!*

◆ Икки нарса юз беришидан аввал яхшидир. Биринчиси – ҳовуз ва чашма суви денгизга қўшилишдан аввал. У денгизга қўшилдими, демак, ундан озодалик ва покизалик кетади. Иккинчиси – қариндош-уруғлар билан муроса ва дўстлар билан ўзаро муҳаббат орага фитна солувчилар ва чақимчилар тушмай туриб яхшидир.

***Муҳаммад ҲУСАЙН.***
***Форс, араб ва озарбайжон тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.***

***Ўзбекистон Давлат санъат музейида Эрон Ислом Жумҳуриятида яшаб ижод этаётган мусаввира Париюш Ганжи билан бўлган учрашувда рассомлар, санъатшунослар, эроншунос олимлар, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва республика Тадбиркор аёллари уюшмаси фаоллари иштирок этдилар.***

*Чет элликлар нигоҳида*

# ЎЗБЕКИСТОН – МАФТУНКОР ДИЁР



Ўзбекистонлик жамоатчилик вакиллари Париюш хоним билан қизиқарли ва самимий суҳбат қурдилар. Учрашув қатнашчилари санъат тили таржимасиз ҳам тушунарли эканлигини, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликлар янада кенгаяётганлигини таъкидладилар.

Париюш Ганжи Лондоннинг санъат коллежида (1973) манзара ва дизайнерлик мутахассислиги бўйича таълим олган, сўнг магистрлик унвонига Сорбоннда эришган. Унинг шахсий кўргазмалари Япония, Буюк Британия, Германия, Саудия Арабистонида бўлиб ўтган. Ҳозир у Теҳрон университетининг расм ва дизайн бўлимида муаллимлик қилмоқда.

Париюш Ганжи она-юртимиз ҳақида тўлқинланиб қуйидаги сўзларни айтди: "Мен кўпгина рассомлар сингари гапга чечан эмасман, фақат кўнглимдаги ўйларни бўёқларда ифодалай оламан. Мен дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бўлганман, лекин ўзбекистонликлардек самимий, қалби тоза одамларни ҳеч ерда учратмаганман. Уларнинг кўнгилларида ҳеч қандай ғараз йўқ. Бу ерда кўрган энг муҳим нарсам – ҳамма нарсанинг табиийлигидир. Саноатлашган дунёни самимият тарк этади. Кўча-куйда бирон нимани сўрасангиз ҳамма ёрдам беришга интилади. Ҳали бизнинг асарларимиз кўргазмалари бутун Ўзбекистон бўйлаб давом этади, лекин мен дастлабки кўргазмам қисқа фурсат ичида суйиб қолганим – азим шаҳар Тошкентда бошланаётганидан ниҳоятда хурсандман. Келажакда ўзбекистонлик рассомларнинг Эронда яна кўргазмалари бўлади деб умид қиламан. Мен ўз юртимга борганимда барча-барчага Ўзбекистон – мафтункор диёр, деб баралла айтаман".

Париюш Ганжи асарлари ғайритабиий, одатдан ташқари усулда, ўзининг айтишича, "абстракт – импрессионизм" манерасида ишланган.

– Менинг реалистик асарларим ҳам бор, – дейди мусаввира, – аммо мана бу асарларимни ижод қилишда мен Умар Ҳайёмнинг ўлмас байтларида ифодаланган инсоннинг бу дунёга нима учун келиши, унинг мақсад ва бурчлари ҳақидаги ғояларидан илҳом оламан.

– Рассом асарларида безовта ҳаёт нафаси, замон долғалари ва тўфонларнинг турли ранглари ва оҳанглари ифодаланган, – дейди шоир Раим Фарҳодий рассом ижоди ҳақида сўзлар экан. – Азиз умрнинг қадри, ҳаётнинг омонат шами ана шу бўрон ва тўфонларда ҳам ўчмасин!

Ҳа, ўлмас санъат асарлари, юракни аллаловчи сеҳрли мусиқа, жозибали қўшиқ дилларни дилларга, элларни элларга боғлайди.

**Манзура НАБИХОНОВА.**
**СУРАТДА: эронлик мусаввира Париюш Ганжи.**

*Мен кимман? Қандай одамман?*

# СИЗ ИНСОНЛАРГА КЎМАКЛАШАСИЗМИ?

***Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз? Тинч-осойишта ҳаётингиз мароми ота ёки онангизнинг бетоб бўлиб қолиши билан бузилиши мумкин. Хасталик қанчалик жиддий бўлса – муаммолар ҳам шунчалик кўпаяди. Шифокорга, дори-дармонлар харидига, парҳез таомлар тайёрлаб беришга озмунча пул кетмайди. Қарабсизки, ҳамён бўшаб қолиши ҳеч гапмас. Мабодо, Сизнинг оилангизда шундай ҳолат юз берса нима қилган бўлардингиз?***

Қуйидаги жавобларнинг Сизга тўғри келадигани – А ёки Б ни белгилаб боринг. Шундай қилиб Сиз:

1. а) беморнинг соғайишини кутасиз
б) шифокор билан гаплашиб кўрасиз
2. а) ўқиш ёки ишингизни ташлаб, уйда ўтирасиз
б) одатдагидай яшашга ҳаракат қиласиз
3. а) ота-онангиз руҳи-кайфиятини кўтариш учун дўстларингизни кўпроқ меҳмонга чорлайсиз
б) шовқин-суронсиз, тинчгина кўнгил ёзасиз ёки оз фурсатга дўстларингизникига чиқиб туришга интиласиз
4. а) оиладаги молиявий аҳвол ҳақида гап-сўз чиқишидан қочасиз
б) қандайдир муаммолар бор-йўқлигини ётиғи билан билиб оласиз ҳамда ўз сарф-харажатларингизни камайтиришга уринасиз ёки ишга чиқасиз
5. а) беморга хуштаъм нарсаларни олиб келиб турасиз
б) беморни шифокор буюрган парҳезга қатъий риоя этишга кўндирасиз
6. а) бемор ётган уйга ҳеч қачон кирмайсиз
б) бемор билан бироз ўйин-кулги қилишга, ўтган-кетгандан гаплашиб ўтиришга ёки биргалашиб телевизор томоша қилишга қулай фурсат топасиз
7. а) уйда фақат илгаридан Сизга топшириб келинган юмушларнигина бажарасиз
б) қўшимча топшириқларни ҳам бажонидил зиммангизга оласиз
8. а) вазиятдан фойдаланиб, кўнглингизга тугиб юрган нарсангизга эга бўлишга ҳаракат қиласиз
б) иложи борича камроқ нарсани кутасиз

**Жавобларингиз фақат "Б"лардан иборат бўлгани маъқул.**

Уйингизда кимнингдир хасталиги Сизни қанчалик кўпроқ безовта қилса, беморнинг аҳволига қанчалик кўп жон куйдирсангиз – бемор шунчалик тез оёққа туради, соғаяди. Оиланинг бир аъзоси сифатида бундай вазиятларда Сизнинг ёрдамингиз катта аҳамиятга эга бўлади. Шифокор билан гаплашиб, хасталик сабабини ва унинг оқибатларини билишга ҳаракат қилинг.

Бирон-бир қийинчилик бўладиган бўлса, тегишли ёрдам бериш учун қўлингиздан келган ҳамма ишни қилишга уринингг. Бу билан Сиз фарзандлик, биродарлик ва ниҳоят инсонийлик бурчингизни адо этасиз. Бу эса оилада, умуман одамлар кўз ўнгида қадрингизни баланд кўтаришига шубҳа йўқ. Энг муҳими – Сиз ўзингизни жуда енгил ҳис этасиз, кўнглингиз ёришади.

***Муҳтабар АҲМЕДОВА тайёрлаган.***



**Қиш фаслининг ўз зийнати бор. Бу фаслда табиат ҳам ўзгача тус олиб, болажонларнинг қувончи эса кўкка етади.**

# ЎКИНЧ

*Ҳикоя*

**(Давоми. Боши 3-бетда).**

– Мен сенга кимман ўзи?

Кутилмаган саволдан Карима бироз довдираб қолди. Эри олдида катта гуноҳ қилиб қўйган аёлдек сўзсиз ер чизди. Ажабо, бу оддий саволнинг қандай сири борки, Каримани шунчалик сеҳрлаб қўйса?

– Андишанинг оти қўрқоқ эмасда, ахир. Фарзанд туғишни хоҳламасанг, бунинг устига кўча-кўйдагиларнинг илмоқли гаплари... Жонимга тегди-ку ҳаммаси. Суюкли хотинининг эрига қилаётган бундай инъомларига қайси эркак зоти чидайди ахир?

Орага узоқ сукунат тушди. Эр ҳозиргина устидан оғир юкни ағдариб юборгандек ҳансирар, хотин эса ўксиб-ўксиб йиғларди.

– Нима қил дейсиз? – деди ниҳоят Карима. – Шу илмий иш қирилгурдан бутунлай воз кечсам қутуламанми?

– Мен бундай деяётганим йўқ.

– Ҳаммаси қуриб кетсин. Ҳаммаси қирилиб кетсин.

Холсизланган қиёфада Карима ўзини диванга отди. Унинг бироз кўтарилиб қолган ҳарир кўйлаги остидан бўлиқ гавдаси, оппоқ болдирлари кўриниб кетди. Рашк ўти юрагига баттар ғулу солсада, эр ғалати ютиниб хотинига яқинлашди. Уни ўзга кўзлардан ҳимоя қилгандек Кариманинг боши узра тиз чўкиб титроқ қўллари билан устини ёпди, сўнг хотинининг тўзиб кетган сочларини тартибга соларкан, "жинни" деди энтикиб. Қулоқлари остида эрининг қайноқ нафасини сезган Карима бирдан бўридан қочган оҳудек сакраб ўрнидан турди.

– Жоним, – Фозилжон ҳансираганича Кариманинг белига қўл чўзди.

– Йўқолинг.

Эр баттар ёпишди.

– Йўқол, – деди Карима уни асабий итариб ташлаб. Ўшанда бу сўз қандай қилиб оғзидан чиқиб кетганини Карима ҳамон била олмайди.

Фозилжон карахт бўлиб қолди. Ҳозиргина ипакдек мулойим тортиб турган қўлларда бир зумда аллақандай ғайри-шуурий куч пайдо бўлди-ю панжалари қаттиқ тугилиб, беихтиёр хотинининг юзига тушди. Карима юз тубан ерга йиқилди. Фозилжон индамай кўчага чиқиб кетди.

Карима калтак зарбидан анча ҳушига келмай ётди. Эрига нисбатан қалбида пайдо бўлган қаҳр учқуни бир зумда кўчли алангага айланди-ю бутун вужудини куйдира бошлади.

– Энди мендан кўрсин.

У шаҳд билан ўрнидан турди. Рўпарасидаги тош ойнада ўз аксини кўриб, бир зум унга суқ билан термулиб қолди. Кўзлари йиғи азобидан қизарган, боқишлари ҳорғин, сочлари тўзиган бўлса-да барибир бир кўринишда ҳар қандай эркакни ром этувчи кучли жозиба бор эди унда. Карима келишган гавдаси, бўлиқ кўкраклари, айниқса шу топда кимнингдир меҳрини жуда-жуда қўмсаётган хумор кўзларига маҳлиё бўларкан қалбидаги булутли туманни унутгандек бўлди. Беихтиёр сочларини тараб ўзига оро бера бошлади. Домласининг таъбири билан айтганда ўша "ял-ял очиб юборадиган" атлас кўйлагини кийди. Эшикни оҳиста итариб ташқарига қадам ташларкан ўйланиб қолди. Тавба, нима қилмоқчи ўзи? Эри устидан шикоят қилиб домласининг олдига бормоқчими? Бу Хайри Сафо учун айни муддао бўлмайдими ахир. Хўш, эри бекорга қўл кўтардими? Қилмишига яраша бўлди-ку ҳаммаси. Ўзида ҳам талай айб бор-да. Домланинг ҳирсий қарашларига қарши очиқдан-очиқ туғён кўтаролмаса, унинг ғашга тегадиган сўзларини қайтариб ташлаёлмаса? Нега? Нимага? Кейин билса бунинг сабаби ҳали ўзида олимлик даъво қилиш учун етарли билим ва тажриба йўқлигида экан. Шунинг учун ҳам Карима ҳар қадамда хоҳласа-хоҳламаса домланинг ноғорасига ўйнашга мажбур.

...Эшик тарақлаб кетди. Карима сергак тортди. Остонада Фозилжон кўринди. Унинг ранглари докадек оқариб кетганди. Карима ғурур билан чимирилиб ўрнидан турди-да нариги хонага ўтди. Фозилжон диванга чўзилди.

Карима кечаси эрининг қаттиқ оғриқ азобида инграб тўлғанишидан уйғониб кетди. Ғурури йўл бермай анча ётди. Кейин чидай олмади. Фозилжоннинг олдига чиқди.

– Нима бўлди?

Тепасида хотини турганини сезиб Фозилжон кўзини очди. Сўзсиз унинг қўлини тутди-да лабига босди.

– Кечир мени, Карима, – деди ғалати бир овозда.

Эрининг илтижоли қарашидан Кариманинг кўнгли бўшашди. Шундай беозор одамни ранжитгани учун ўзини лаънатлади.

Фозилжоннинг ҳарорати тобора кўтарилиб борарди. Кариманинг билиб-билмай қилган "муолажалари" кор қилмади. "Тез ёрдам" чақирди. Ўша куни Фозилжонни зудлик билан касалхонага олиб кетишди. Шифокорлар узоқ вақт аниқ диагноз қўёлмадилар. Кейин билишса у рак экан.

Кариманинг қалбини бирдан даҳшат қоплади. Наҳотки? Қаердан пайдо бўлди бу касаллик? Нега Карима билмай қолди? Нега Фозилжоннинг ўзи бунчалик бепарво бўлмаса? Балки бу касалликнинг бошланиш тарихи ҳам Карима билан домланинг можаросига бориб тақалар. Фозилжон дардини ичига юта-юта шу бедаво дардга йўлиққандир. Ҳали у нима умр кўрибди? Эндигина 28 га кирганди-я?

Карима ўйланиб ўйига етолмас, Фозилжон эса беparво эди. У энди кечқурунлари палатага кириб келган хотинини тундлик билан эмас, балки қувноқ ва ҳаяжон билан кутиб оларди. Ораларида суҳбат бошланса Фозилжоннинг сўзи ҳеч тугамасди. Кўпинча улар касалхона хиёбонининг чап томонига қўйилган мўъжазгина ўриндиқдан жой олишарди. Бу ер одамлардан анча холи эди.

Ҳар қанча даволанмасин Фозилжон кун сайин сўлиб борарди. Бу унинг юриш-туришидан, кўринишидан шундоққина сезилиб турарди.

Бир гал Каримани бош врач ҳузурига чақиртирди. У минг хаёллар билан хонага кирганида сочлари оппоқ шифокор хаёлчан ҳовлига термулиб турарди.

– Синглим, – деди у негадир қийналиб кафтларини узоқ бир-бирига ишқаб. – Сиздан яширадиган жойи йўқ. Биласиз, эрингизнинг аҳволи оғир. Унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қўлимиздан келганча ҳаракат қилдик. Афсус, ҳаётда ҳали шундай касалликлар ҳам борки, тиббиёт уларни даволашга ожиз.

Негадир шу топда бу киши Кариманинг кўзига аянч ва тубан кўриниб кетди. Вой тавба, ҳали ўлмаган эрига кафан бичяпти-я бу одам. Қандай тили борди шундай дейишга? Йўқ, эри ўлмайди. Фозилжон ўлмаслиги керак.

Бироқ ҳаётда ҳамма нарса ҳам сен ўйлаганча бўлавермас экан. Олдинига Карима шифокорлар билан олишди-талашди. Эрининг яшаши кераклигини қайта-қайта уқтирди. Афсус, вақт ўтган эди.

Фозилжон "соғайиб" уйига қайтганда қувончини ичига сиғдиролмасди.

– Давосиз дардники енгдим, энди мен ўлмайман, Карима, – дерди у икки гапнинг бирида. – Сен ҳам диссертациянгни омон-эсон тугатиб олсанг, кейин узоқ-узоқларга кетардик, мириқиб саёҳат қилардик.

Карима бу сўзга зўрма-зўраки жилмаярди-ю дилидан йиғларди. Карима минг изтиробда қишлоқдан онасини чақирди. Ўша куни ҳамма дардини онасига айтиб тонг отгунча йиғлади. Она тасалли берди. "Чиқмаган жондан умид" тилади.

Ўчакишгандек шу кунларда Кариманинг иши илмий Кенгашдан ўтиб, диссертация ёқлашга тавсия этилганди. Ҳатто у неча-неча кунларни бедор ўтказиб орзу қилган диссертациянинг ёқлаш куни ҳам аниқ белгиланганди. Домласи шу кунларда янада елиб-югурар, шогирдининг ҳар қандай оилавий ташвишини унутиб жиддий ишлашга ундарди.

– Сизнинг учун энг муҳими диссертация, диссертация, диссертация, – деб уқтирарди у, – қолгани сатқаисар. Шундай вақтда эрингиз одам бўлса эркаликни йиғиштириб сизга ёрдам берарди. Шахсан мен шундай деб ўйлайман.

Карима эса икки ўт ўртасида қовриларди. Эрининг сўнгги кунлари кечаётган шу дамларда ҳам у илмий иш дардида куйиб ёнарди. Ёзув столига мук тушганича тунларни бедор ўтказарди. Вой тавба бундай ўйлаб қараса эри билан охирги марта ҳам тузукроқ хайрлашмапти-я. Каримага мана шуниси алам қиларди. Ана шунда томоғига муштдек нарса келиб тўхтаб қоларди.

...Ичкаридан муштипар онанинг чиқиб келиши Кариманинг сочқин хаёлларини учириб юборди.

– Ҳар қанча ўй суриб, дод-фарёд қилганингдан энди фойда йўқ, қизим. Ундан кўра тезроқ ҳаракатингни қил. Одамларга хабар қилайлик...

Эртасига тумонат йиғилди. Халойиқ эрининг жасадини кўтараётганда Карима чидаб туролмади. Ўзини тобутга ташлади. Уни кимдир куч билан тортиб зўр-базўр ўрнидан турғазди. Карима ёшли кўзлари билан унга мунгли қаради-ю қотиб қолди. Бу... Хайри Сафо эди. Тавба. Ундан нима истайди бу одам ўзи? Наҳот эрининг совуқ мурдаси билан сўнгги марта тўйиб-тўйиб видолашишга ҳам йўл бермаса-я, бу муттаҳам.

Карима шу пайт ғазабдан Хайри Сафонинг юзига тупуриб юбормоқчи бўлди-ю бироқ теварак-атрофдаги унинг ҳозирги вазиятини кузатиб турган кўзларни ҳис этиб тилини тишлади.

***Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.***


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

***Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси хўжалик ҳисобидаги туман дезинфекция станциялари корхона, муассасалар, ташкилотлар ва хусусий уйларда яшовчилар билан кундалик турмушимизда учрайдиган пашшалар, сувараклар, чивинлар ва кемирувчиларни йўқотиш юзасидан 2000 йилга шартнома тузишни давом эттиради. Бизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсат этган дезинфекцияловчи моддалардан фойдаланилади, шунингдек ўткир томчи инфекциялари (грипп) касалининг олдини олиш мақсадида автобус саройлари, троллейбус, трамвай саройлари билан мавжуд транспорт воситаларида дезинфекция ўтказиш учун ҳам шартномалар тузади.***

**Туман дезинфекция станцияларининг манзиллари ва телефон рақамларини маълум қиламиз.**

1. **А. ИКРОМОВ ТУМАНИ** дезинфекция станцияси – 22-мавзе, Ҳ. Турсунқулов кўчаси, тел: 74-19-96.
2. **БЕКТЕМИР ТУМАНИ** дезинфекция станцияси – Ҳ. Бойқаро кўчаси, 48-уй, тел: 195-26-06.
3. **МИРОБОД ТУМАНИ** дезинфекция станцияси – Помир кўчаси, 13-уй, тел: 191-13-64.
4. **СИРҒАЛИ ТУМАНИ** дезинфекция станцияси – Мардлик кўчаси, 56-уй, тел: 58-52-44.
5. **СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ** дезинфекция станцияси – Усмон Юсупов кўчаси, 103-уй, тел: 41-19-35, 41-80-84.
6. **ҲАМЗА ТУМАНИ** дезинфекция станцияси – Ўш кўчаси, 34-уй, тел: 191-53-48, 191-47-73, 191-75-46.
7. **ЮНУСОБОД ТУМАНИ** дезинфекция станцияси – Манас кўчаси, 19-уй, тел: 133-11-56.
8. **ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ** дезинфекция станцияси – Аллея берк кўчаси, 65-уй, тел: 45-37-41.
9. **ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ** дезинфекция станцияси – М. Мироқилов кўчаси, 9-а уй, тел: 56-31-15.
10. **ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ** дезинфекция станцияси – Санита-дез жамоа корхонаси, Қоратош кўчаси, Киев боши берк кўчаси, 1-уй, тел: 144-30-35, 144-27-94.
11. **МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ** "Профилактик" ширкати – Феруза даҳаси, 50-уй, 1-хонадон, тел: 63-89-46.

**Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси:**
**Қорасарой кўчаси, 341-а уй, тел: 48-74-36, 48-74-35.**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги "МИЯССАР Н" хусусий корхонаси
**ТУГАТИЛАДИ**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.
Манзил: Уйғур кўчаси, 448-уй.

Акмал Икромов туманидаги "AMIR-VOJIB" масъулияти чекланган жамият
**ТУГАТИЛАДИ**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Телефон: 96-41-09.

**ҚУТЛАЙМИЗ!**
***Қадрли адажонимиз Ҳасан Алимович АЛИМОВ!***
Сизни туғилган кунингиз билан табриклаб, Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.
Бахтимизга доим соғ-омон бўлинг!
***Фарзандларингиз ЮЛДУЗХОН ва ОЛИМХОН.***

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси Ахборот-таҳлил гуруҳининг раҳбари, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Раҳимжон Ҳасанович Розмуҳамедовга падари бузруквори
**Ҳасан Абдуллаевич РОЗМУҲАМЕДОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Соғлом авлод учун" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси жамғарма директори Гўзал Тўхтаевага отаси
**Кошиб ОБИДОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

**Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

***ТЕЛЕФОНЛАР:*** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 209**
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**
Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

***«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.***

Буюртма Г-08. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6